

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажидида хутба қилиб:

«Аллоҳга тақво қилинглари. Беш (вақт намоз)ингизни ўқинглари, (Рамазон) ойингиз(нинг рўзаси)ни тутинглари, молларингизнинг закотини беринглари ва ишбошингизга итоат этинглари, Роббингизнинг жаннатига кирурсиз», деганларини эшитдим».

Маълумки, видолашув ҳажи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирида бўлган. Ўша ҳажда у зот ҳамма билан видолашганлар, «Эҳтимол, бу йилдан кейин сиз билан учрашмасман», деганлар.

Дарҳақиқат, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ҳаждан кейин вафот этдилар. У зот ана шу видолашув ҳажидида кўплаб пурмаъно ваъз-насихат, хутба ва васиятлар қилганлар. Ушбу ҳадисда ҳам улардан айримлари айтилмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига хитоб этиб:

«Аллоҳга тақво қилинглари»;

«Беш (вақт намоз)ингизни ўқинглари»;

«(Рамазон) ойингиз(нинг рўзаси)ни тутинглари»;

«Молларингизнинг закотини беринглари»;

«Ишбошингизга итоат қилинглари»;

«Роббингизнинг жаннатига кирурсиз» дедилар.

Инсоннинг жаннатга кириши учун адо этиши зарур саналган ана ўша нарсалар ичида намознинг биринчи бўлиб зикр қилиниши унинг қанчалик аҳамиятли ибодат эканлигини кўрсатмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан